

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят Жиззах шаҳар суди,
2022 йил 23 май куни, очик суд мажлиси, ушбу суд биносида, раислик этувчи судья Э.Қаршиев, судья ёрдамчиси Т.Бойбўсиновнинг котиблигида, томонлардан Жиззах шаҳар прокурорининг ёрдамчиси С.Давронов, судланувчи Э.Ражабова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Э.Нормуродовнинг иштирокида, 1-1301-2103/339-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра

Ражабова Энажан Рашид гизи (Rajabova Enajan)

1995 йил 26 сентябрь куни Туркменистон Республикасида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, турмушга чиқмаган, маълумоти ўрта, муқаддам жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2015 йил 7 апрелдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган, судланмаган шахс ҳисобланади, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, Ёшлик МФЙ, 142-уй, 11-хонадонда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 22 апрель куни олган, суднинг 2021 йил 18 октябрдаги ажримига кўра шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб қидирув эълон қилинган, 2021 йил 18 ноябрь куни Россия Федерациясида ушланиб, шу кундан қамоқда сақланаётган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчиларнинг охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И



Судланувчи Ражабова Энажан Рашид гизи алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, 2020 йил январь ойининг бошларида таниши Ирода Илхом қизи Мелибоеванинг Жиззах шаҳар Қалия маҳалласи Анорзор кўчасида жойлашган яшаш хонадонига бориб, И.Мелибоевага иккита телефон аппарати сотиб олмоқчи эканлигини, бунинг учун 3.000.000 сўм миқдорида қарз бериб туришини, олган қарзини тўрт ой муддат ичида қайтариб беришига уни ишонтириб, аслида олинган пул маблағларни қайтариб бериш нияти бўлмаганлигини ундан яшириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан И.Мелибоевадан 3.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларни олиб, шундан 1.000.000 сўм миқдоридаги пулларни гўёки И.Мелибоевадан фоиз ҳисобида олганлигини маълум қилиб, таниши Ссардор Латиф ўғли Қўшбутаевга бериб, қолган 2.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, кейинчалик С.Қўшбутаев олган 1.000.000 сўм миқдоридаги қарзини ҳамда фоиз тўловчи учун 250.000 сўм пулларни қайтариб, И.Мелибоевага бериб қўйишини тайинлаганидан сўнг, 1.250.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини ҳам И.Мелибоевага олиб бориб бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, ўзганинг жами 3.250.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, Ражабова Энажан Рашид гизи ўзининг жинойий ҳаракатларини такроран давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, 2020 йил декабрь ойининг бошларида Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласида жойлашган озиқ-овқат дўконида фуқаро Феруза Абдуллаевна Нихбандани билан танишиб, суҳбатлари давомида унинг ҳар хил турдаги аёллар кийим-кечаклари, парфюмериялар сотишлигидан хабар топганидан сўнг, Ф.Нихбанданининг Ғаллаорол тумани Газчилар қўрғони Дўстлик маҳалласида жойлашган яшаш хонадонига бориб, у билан учрашиб, ундан 1 дона аёллар жемфери, 1 дона нимча ва аёллар ички кийимларини 450.000 сўмга савдо қилиб олиб, Ф.Нихбанданига “ҳозир пулим камроқ эди, нарсаларнинг пулини декабрь ойининг охиригача бераман”-деб айтиб, 450.000 сўмлик аёллар кийимларини гўёки қарз сифатида олаётганлигига, келишилган пулларни 2021 йил декабрь ойининг охирига қадар беришлигига уни ишонтириб, Ф.Нихбанданидан 450.000 сўмлик аёллар кийимларини олиб, қилишилган пулларни бермасдан, ўзганинг жами 450.000



сўмлик мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, Ражабова Энажан Рашид гизи ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида 2020 йил декабрь ойида таниши Достон Бобур ўғли Баратовга “ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиали”дан аёллар дафтарида турган шахсларга 4 фоиз устама тўлаш шarti билан 500.000.000 сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилаётганлигига қизиқтириб, Д.Баратов ўзида бўлган пул маблағларни ихтиёрий равишда топшириши учун унга “Феруза” исмли ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиали бошқарувчининг қизи билан яхши танишлигини, унинг қизи орқали ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиалидан ўзининг номига ушбу кредит маблағларини чиқара олишини, чиқарилган 500 млн сўм кредит маблағларини эса Д.Баратов ишлатишини, бунинг учун банк бошқарувчининг қизи “Феруза” орқали ҳужжатларни тўғирлаш ҳаражатларига 25.000.000 сўм миқдоридаги пулларни бериш кераклигини айтиб, аслида “Феруза” исмли банк бошқарувчиснинг қизи мавжуд эмаслиги ва унга пул бериш нияти ҳам бўлмасдан ҳақиқатни яшириш ва ёлғон маълумотларни хабар қилиш йўли билан, Д.Баратовни алдаб, 2020 йил декабрь ойининг охирларида Д.Баратовга ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиали бошқарувчининг қизи “Феруза” исмли танишига ҳужжатларни тўғирлаш учун 5.000.000 сўм бериш кераклиги, шундан сўнг 2021 йил январь ойида кредит маблағлари чиқишини айтиб, Жиззах шаҳар Қалия маҳалласи ҳудудида унинг 5.000.000 сўм миқдоридаги, орадан икки кун ўтиб, 1.000.000 сўм бериб туришини, янги йил учун ҳаражатлари борлигини, ушбу пулларни “Феруза” исмли танишига берилиши керак бўлган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллардан айириб ҳисоблашини айтиб, Жиззах шаҳар Олмазор маҳалласида жойлашган меҳмонхона ёнида 1.000.000 сўм миқдоридаги, 2021 йил январь ойида ҳужжатларни тўғирлаш учун “Феруза ” исмли таниши яна пул сўраётганлиги, унга 5.000.000 сўм миқдоридаги пулларни бериш кераклиги айтиб, шундан 2.500.000 сўм миқдоридаги пулларни берса, ўзидан 2.500.000 сўм қўшиб, “Феруза” исмли танишига олиб бориб беришини айтиб, пластик картасига пул кўчириш йўли билан 2.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини олиб, жами 8.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.



Шунингдек, Ражабова Энажан Рашид гизи ўзининг жиний ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан таниши Достон Бобур ўғли Баратовнинг пул маблағларини қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, 2021 йил февраль ойида таниши Д.Баратовга кредит асосида “SAMSUNG GALAXY S21” русумли телефон аппарати олиб беришини, тўловларини ўзи амалга ошириб боришини айтиб, аслида олинган телефон аппарати учун бирор бир тўловни амалга ошириш нияти бўлмаганлигини ундан яшириб, ёлғон ваъдаларига ишонган Д.Баратов Жиззах шаҳридаги “Зебо” савдо мажмуасидан устама тўловлари билан жами 3.600.000 сўмга келишилган “SAMSUNG GALAXY S21” русумли телефон аппаратини олиб бергач, Д.Баратовга телефон аппаратининг пулини тўлаб боришини, ушбу пулларни “Феруза” исмли танишига берилиши керак бўлган жами 25.000.000 сўм миқдоридаги пуллардан айириб ҳисоблашини айтиб, Д.Баратов томонидан “SAMSUNG GALAXY S21” русумли телефон аппарати учун сотувчига жами 3.600.000 сўм миқдоридаги пул маблағларни тўлов қилинишига эришиб, алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан Д.Баратовнинг манфаатларига жами 3.600.000 сўм миқдорида зарар етказиб, эғалигида бўлган “SAMSUNG GALAXY S21” русумли телефон аппаратини кейинчалик ишда аниқлаш имкони бўлмаган бошқа шахсга сотиб, телефон аппаратини сотишдан тушган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-тороғ қилган

Суд мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган Э.Ражабова унга эълон қилинган айбловга қисман иқрорлик билдириб, Жиззах шаҳар Ёшлик маҳалласидаги 32-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлаган вақтида 2019 йилда И.Мелибоева билан танишганлиги, И.Мелибоеванинг қизи ҳам ушбу боғчага келганлиги, И.Мелибоевадан бир неча мартаба фоизга пул олиб турганлиги, 2020 йил 14 январь куни унаштирилган йигити Сардор Қўшбутаев автомашинасини уриб олганлигини айтиб, ундан танишларидан қарзга пул топиб беришини илтимос қилганлиги, у И.Мелибоеванинг уйига С.Қўшбутаев билан бориб, И.Мелибоевага танишига 3.000.000 сўм пул кераклигини айтиб қарзга сўраганлиги, И.Мелибоева гаровга С.Қўшбутаевнинг фуқаролик паспортини олиб қолиб, 1.000.000 сўм пул берганлиги, у ушбу пулларни Қўшбутаевга берганлиги, у И.Мелибоевадан 3.000.000 сўм



олмаганлиги, С.Қўшбутаев пулларни қайтариб бермагач, И.Мелибоева пулларни ундан талаб қила бошлаганлиги, лекин унга пулини қайтариб бера олмаганлиги, кейинчалик С.Қўшбутаев И.Мелибоевага пулини тўлаб, паспортини қайтариб олганлиги, 2020 йил ноябрь ойида Ғаллаорол туманида яшовчи Феруза Нихбандани билан танишиб қолганлиги, Ф.Нихбандани аёллар кийимларини сотиш билан шуғулланишлиги сабабли, унга 450.000 сўмга қарзга кийим-кечак олиб пулини бера олмай қолганлиги, суҳбат давомида Ф.Нихбандани аёллар дафтарида турганларга банкдан 4 фоизлик кредит олиш мумкинлигини тушунтирганлиги, 2020 йил декабрь ойида синфдоши Достон Баратов билан учрашиб қолган вақтида, унга аёллар дафтарида турган шахсларга кам фоизлик кредит берилаётганлиги ҳақида айтганида қизиқиб қолганлиги, Д.Баратовга ўзининг номига 50 млн сўм кредит олиш мумкинлиги, пулларни эса Д.Баратовга беришини, ҳужжатлар тўғирлаш учун ҳаражатлари борлигини айтиб, бу учун 5.000.000 сўм беришини сўраганлиги, Д.Баратов икки бўлиб унга 5.000.000 сўм пул берганлиги, кейинчалик унга Д.Баратов телефон аппарати ҳам совға қилганлиги, Д.Баратов билан уришиб қолгандан сўнг унга пулларини бермаганлиги, Д.Баратовга Ф.Нихбанданини кўрсатиб, ТИФ “Миллик банк” раисининг қизи эканлиги, шу орқали 500 млн сўм кредит олиши мумкинлиги, банк бошқарувчисининг қизига 25 млн сўм бериб, 500.000.0.000 сўм кредит олиш мумкинлигин айтиб, ундан банк бошқарувчиси қизига деб, 8.500.000 сўм олмаганлиги, Д.Баратов билан Ф.Нихбанданининг олдида ўзининг қарзини бериш учун бирга борганлиги, пора беришга далолатчилик қилмаганлиги, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Э.Ражабова эълон қилинган айбига қисман иқрорлик билдириб, юқоридаги кўрсатмаларни бериб ўтган бўлсада, унинг суд тергови давомида аниқланган ҳолатлардаги айби қуйидаги далиллар мажмуаси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Мелибоева ҳақиқатдан ҳам Жиззах шаҳридаги Кўк бозор ҳудудида аёллар кийим-кечакларини сотиб, савдо ишлари олиб борганлиги ва фуқароларга буюмларни пулини бўлиб-бўлиб беришга ҳам берганлиги, 2019 йилда қизи Асалоӣ Жиззах шаҳар Ёшлик маҳалласида жойлашган 32-сонли боғчага борганлиги, тарбиячи бўлиб ишлаган Э.Ражабова



билан шу ерда танишганлиги, Э.Ражабовага аёллар кийимларини пулини бўлиб бериш шарти билан берганлиги, пулларни вақтида берганлиги, 2020 йил январь ойида Э.Ражабова уйига келиб, ундан 2 дона телефон аппарати олиб беришини илтимос қилиб, телефон нархлари 3.000.000 сўм эканлигини айтганлиги, 4 ой ичида пулларни беришини айтганлиги, гаровга уйининг кадастр ҳужжатини, унаштирилган йигити, яъни Қўшбутаев Сардорнинг фуқаролик паспортини тақдим қилганлиги, у Э.Ражабовага 3.000.000 сўм пулларни бериб юборганлиги, 4 ой ўтсада, Э.Ражабова уни алдаб юрганлиги, уйига қидириб бориб, онасига ҳам бу ҳолатни айтганлиги, онаси қизи Э.Ражабованинг қарзини тез муддатларда ўзи тўлаб беришлигини айтиб, уйининг кадастр ҳужжатларини қайтариб беришини илтимос қилганлиги сабабли, у Рохатой опанинг ваъдаларига ишониб, унга уйининг кадастр ҳужжатларини бериб юборганлиги, шундан сўнг Э.Ражабова ва онаси уни ҳар-хил баҳоналар билан алдаб юрганлиги, аслида Э.Ражабованинг мақсади пулларни қайтармаслик эканлиги англаб, унга нисбатан ариза берганлиги, 2021 йил сентябрь ойида С.Қўшбутаев 1 млн сўм бериб, фуқаролик паспортини олиб кетганлиги, ҳозирда суд мажлиси давомида Э.Ражабованинг қариндошлари унга етказилган зарарни қоплаб берганлиги сабабли, унга даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Қўшбутаев ҳақиқатдан ҳам Ражабова Энажан Рашид гизи билан 2019 йил март ойида танишганлиги, унашув бўлиб уйланмоқчи бўлиб юрганлиги, 2021 йил 5 январь куни 25 R248 ЕА “Ласетти” русумли автомашинасида ЙТХга учраб, таъмирлаш учун пул керак бўлиб қолганлиги, Э.Ражабовадан танишларидан пул қарзга олиб беришини илтимос қилганлиги, Э.Ражабова уни Жиззах шаҳар Қалия маҳалласида яшовчи Ирода Мелибованинг уйи олдига олиб бориб, ундан фуқаролик паспортини олиб, И.Мелибоеванинг уйига кириб кетганлиги ва биров вақтдан сўнг қайтиб чиқиб, унга 1.000.000 сўм берганлиги, у пулларни таъмирлашга ишлатганлиги, орадан 1 ойлар чамаси вақт ўтиб, Э.Ражабова И.Мелибоева пулларни сўраётганлигини, пулларни 25 фоизга кўпайтириб қайтариш шарти билан олганлигини айтганлиги, у Э.Ражабовадан нега бошида фоизга пул олганлигини айтмаганлигини сўраганида, Э.Ражабова пулни фоизга олганлигини айтиб туриб олганлиги, шунда у Э.Ражабова 50.000 сўм пул бериб, И.Мелибоевага фоизини бериб



туришни, 1 млн сўмнинг ўзини кейинги ой беришини айтганлиги, 2020 йил 18 март куни Э.Ражабова билан учрашган вақтида И.Мелибоева “пулни сўраяпти, қайнонаси касалхонага тушиб қолган экан”-деганлиги, орадан 1 ҳафта ўтиб, 1.000.000 сўм пулни Э.Ражабовага бериб юборганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, Э.Ражабова яна 250.000 сўм фоиз беришни сўраганида, иккаласи урушиб қолишганлиги, ўша вақтда Э.Ражабова унинг фуқаролик паспортини қайтариб олиб бериши керак бўлганлиги, шу билан фуқаролик паспортини олиб беришни сўрамаганлиги, сўнг унаштирув ҳам бекор бўлганлиги, орадан анча вақт ўтиб, И.Мелибоева билан учрашиб гаплашганида Э.Ражабова 3.000.000 сўм олганлиги, пулларни фоизга бермаганлиги, телефон олиш учун деб сўраб олганлигини эшитганлиги, И.Мелибоевадан Э.Ражабова у берган 1 млн сўм ва 250.000 сўм фоизини олиб бориб бермаганлигини билганлиги, суҳбат давомида Э.Ражабованинг онаси 1 млн сўм берганлиги, яна 1 млн сўмни бир ҳафтада тўғирлаб беришини айтганлиги, 2021 йил 7 сентябрь куни И.Мелибоевага 1.000.000 сўм пул бериб, фуқаролик паспортини қайтариб олганлиги, ҳозирда унга етказилган зарар қопланганлиги сабабли, Э.Ражабовага даъвоси йўқлигини кўрсатди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ф.Нихбандани ҳақиқатдан ҳам 2010 йилдан 2016 йилга қадар Агро банк АТБ Ғаллаорол филиалида мутахассис бўлиб ишлаганлиги, 2019 йил бола таътилидан сўнг савдо-сотик билан шуғуллана бошлаганлиги, ҳар хил парфюмериялар, аёллар кийим-кечакларини сотиб келганлиги, 2020 йил декабрь ойининг бошларида Жиззах шаҳри Иттифоқ маҳалласида жойлашган озиқ-овқат дўконига кирган вақтида ўзини “Анна” деб таништирган Э.Ражабова билан танишиб қолганлиги, Э.Ражабова боғчада гимнастикадан дарс беришини айтганлиги, у эса аёллар кийим-кечакларини, парфюмериялар сотишлигини айтганлиги, шу билан телефонлашиб туришганлиги, суҳбат давомида Э.Ражабова онаси уни ишлатмай қўйганлиги, энди кредит олиб бизнес қилмоқчи эканлигини айтиб юрганлиги, шу орада кийим сотиб олмоқчи эканлигини айтганлиги, уни уйига таклиф қилганлиги, Э.Ражабова уйига келиб, аёллар жемфери, нимча ва аёллар ички кийимларини 450.000 сўмга сотиб олиб, пулини 2020 йил декабрь ойининг охиригача беришни ваъда қилганлиги, шу тариқа кийимларини унга қарзга бериб юборганлиги, сўнг яна телефон орқали суҳбатлашиб турганида Э.Ражабова “Достон исмли



синфдоши ундан қарз эканлиги, ундан пулни олиб, унга беришлигини, Банкда ишлайдиган Бекзод исмли таниши борлиги, ундан Достонга катта миқдорда кредит чиқариб бераётганлигини, одамларга кредит чиқариб бериш билан шуғулланаётганлигини айтганлиги, 2020 йил декабрь ойининг охирларида маҳалла томонидан аёллар дафтарида турган фуқароларга

4 фоизлик кредит ажратилаётганлиги ҳақида эшитиб қолиб, аёллар дафтарида турганлиги учун ушбу кам фоизли кредитдан олиб, савдо дўкони очмоқчи бўлганлиги ва зарур ҳужжатларни тўғирлай бошлаганлиги, Э.Ражабова билан гаплашганида унга бу ҳақда айтганлиги, Э.Ражабова унга ҳам 4 фоизлик кредит чиқариб беришда ёрдам беришни сўраганлиги, шунда “банкда ишлайдиган Бекзод исмли танишингдан кредит чиқариб олмайсанми”-деганида, Э.Ражабова “Бекзод акам ишлайдиган банкда йўқ, шунинг учун ўзингизнинг номингизга кредит чиқариб беринг”-деб илтимос қилганлиги, у буни рад қилганлиги, келишилган муддат тугагач Э.Ражабовадан 450.000 сўм қарзини қачон беришини сўрай бошлаганида, у “Достон” ундан қарз эканлиги, ундан пулни олиб унга беришлигини айтиб алдаб келганлиги, ордана бир неча кун ўтиб, Э.Ражабова унга телефон қилиб, олдига келаётганлигини айтганлиги, у йўлга чиқиб кутиб турганлиги, Э.Ражабова оқ рангли “Нексия-2” русумли автомашинада келганлиги, Э.Ражабова автомашинадан тушиб, уни шу ердаги савдо дўкони ичкарасига таклиф қилиб, пулни дўконда бераман деганлиги, сўнг дўконга киришганида Э.Ражабова бир пачка пулдан унга 100.000 сўм санаб бериб, қолган қарзини кейин бериб кетишини айтганлиги, шундан сўнг Э.Ражабовани уни алдаб юраверганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, Жиззах шаҳар ИИБ ходимлари уни чақиришганида бўлган ҳолатни айтиб берганлиги, ИИБ ходимларидан Э.Ражабова уни таниши “Достон”га ТИФ “Миллий банк” бошқарувчисининг қизи деб кўрсатиб, гўёки у орқали “Достон”га 500 млн кредит чиқариб бериш учун пул олганлиги, Д.Баратов унга Э.Ражабова у орқали кредит чиқариб бериш учун 10 лн сўмдан зиёд пуллари олиганлигини айтганлиги, у ҳеч қандай банк бошқарувчисининг қизи ҳам эмаслиги, бирон-бир қариндоши ҳам банкларда катта лавозимларида ишламаслиги, суд мажлисида Э.Ражабованинг қариндошларига унга етказилган 350.000 сўм зарарни қоплаб беришганлигини сабабли, унга даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган



Д.Баратов ҳақиқатдан ҳам Э.Ражабова синфдоши эканлиги, ўзи “Супер эффект консалтинг” МЧЖ раҳбари бўлиб тадбиркорлик билан шуғулланиб келишлиги, МЧЖ офиси Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласида “ТРИО” компьютерларга хизмат кўрсатиш маркази биносида жойлашганлиги, Э.Ражабова тез-тез унинг офисига келиб турганлиги, 2020 йил декабрь ойи охирида Э.Ражабова “Миллий банк” бошқарувчисининг “Феруза” исмли қизи билан яхши танишлиги, ТИФ “Миллий банк”дан 10 нафар аёлларга 4 фоизлик кредит чиқаётганлиги, агарда унга ҳужжатларни тўғирлаш учун 25 млн сўм берса, ТИФ “Миллий банк” бошқарувчиси қизи Феруза орқали у ҳам шу 10 та ёллар қаторига қўшилиши мумкинлиги, шунда унинг номига 4 фоизлик 500.000.000 сўм кредит маблағлари чиқишлиги, шундан 100 млн сўм қисмини Э.Ражабова ўзи олиб қолиб, қолган 400 млн сўм қисмини эса у олиб ишлатишини айтганлиги, у ўйлаб кўриб, у ҳам Э.Ражабова билан бирга бориб, уни ҳам “Феруза” билан таништириб қўйишини сўраганлиги, шундан сўнг Э.Ражабова билан 2020 йилнинг декабрь ойи охирида Ниёзов Бобурнинг “Нексия-2” русумли автомашинасида Э.Ражабовани ҳам олиб, Ғаллаорол туманига боришганлиги, Э.Ражабова “Феруза”га ҳужжатларни тўғирлаб бериши учун 5.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олганлиги, Э.Ражабова телефон қилгач Ф.Нихбандани кўчага чиқиб келганлиги, Ф.Нихбанданинг кийиниши жуда содда бўлганлиги сабабли, бу банк бошқарувчисининг қизи эмаслигини айтганида, Э.Ражабова “Феруза” атайлаб, кўзга ташланмаслик учун шунақа кийим кийиб юришлигини айтганлиги, у ҳам Феруза яъни Ф.Нихбандани билан танишмоқчи эканлигини айтганида, Э.Ражабова бунга қаршилиқ қилганлиги, “Сен тушсанг ишимиз бузилади, мен ўзим гаплашиб келаман” – деб автомашинадан тушиб кетганлиги, Э.Ражабова Ф.Нихбандани билан шу жойдаги дўконга кириб кетиб, орадан бир фурсат ўтиб қайтиб келганлиги ва “Феруза”га 5.000.000 сўм пулларни берганлиги, январь ойида кредит чиқишини, шундан сўнг қолган 20.000.000 сўм миқдоридаги пулларни бериш кераклигини айтганлиги, орадан бир икки кун ўтиб, Э.Ражабова 1.000.000 сўм пулларни бериб туришини, янги йил учун ҳаражатлари борлигини, кейинчалик “Феруза”га берилиши керак бўлган 25.000.000 сўм пуллардан айириб ҳисоблашини айтганлиги, сўнг Жиззах шаҳар Олмазор маҳалласи ҳудудида жойлашган меҳмонхона ёнида унга 1.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлиги, 2021 йил январь ойларида Э.Ражабова телефон



қилиб, 500.000.000 сўм миқдоридаги кредит учун “Феруза” яна пул сўраганлигини, шунинг учун унга яна 5.000.000 сўм бериш кераклигини айтганида, Э.Ражабованинг пластик картасига 2.500.000 сўм пулларни ўтказиб берганлиги, 2021 йил февраль ойида Э.Ражабова телефон қилиб, кредитга телефон аппарати олиб беришини илтимос қилиб, пулларни ўзи беришини айтганлиги, 2021 йил 28 февраль куни Э.Ражабовага нархи 2.500.000 сўм бўлган “Самсунг Галакси С21” русумли телефон аппаратини кредитга олиб берганлиги, кредит асосида олинганлиги учун 3.600.000 сўм пулларни сотувчига бериши керак бўлганлиги, бироқ Э.Ражабова телефон аппаратининг пулларини тўламаганлиги, у телефон аппаратини ўзининг номига олганлиги учун 3.600.000 сўм миқдоридаги пулларни сотувчига тўлаганлиги, Э.Ражабова уни алдаб юрганлиги сабабли, унга нисбатан ариза берганлиги, тергов вақтида Ф.Нихбандани ҳеч қандай банк бошқарувчисининг қизи эмаслиги, балки Э.Ражабова уни ҳам алдаб қарзга кийим-кечак олганлигини билганлиги, Э.Ражабова 25 млн сўм пулларни ТИФ “Миллий банк” бошқарувчиси қизи Феруза орқали банк раисига пора сифатида берилишини айтмаганлиги, балки ушбу пулга “Феруза” унинг ҳужжатларини тўғирлаб, банкдан кредит олувчи аёллар дафтарида турган 10 нафар аёллар сафига Э.Ражабовани ҳам қўшиб қўйишини, шунда унинг номига ҳам кам фоизли кредит чиқишини, ушбу кредитни эса у олиб ишлатишини ваъда қилиб алдаганлиги, агарда пора сифатида берилишини айтганида, у Э.Ражабовага пул бермаганлиги бўлишини, унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини сабабли, Э.Ражабовага даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Шунингдек, судланувчи Э.Ражабованинг айби; гувоҳлар У.Мелибоев ва Б.Ниёзовларнинг ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари, жабрланувчилар аризалари, тушунтириш хатлари, стенограмма, нарсани далилий ашё деб топиш ҳақидаги қарор, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд, судланувчи Э.Ражабованинг ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама этиб, тергов органлари томонидан унинг ҳаракатлари жабрланувчи У.Мелибоева эпизоди бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКни 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган фирибгарлик, яъни алдаш ва пончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани



қўлга киритишда ифодаланган жиноят белгиларга кўра тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Шунингдек Э.Ражабованинг ҳаракатлари қолган эпизодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКни 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган фирибгарлик, яъни такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган жиноят белгиларга кўра тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Бироқ тергов органи томонидан Э.Ражабовага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган пора беришга далолатчилик қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишга далолат қилишда ифодаланган жиноят белгиларга кўра асоссиз айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил

13 май кундаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 4, 5, 16-бандларида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил

11 октябрь кундаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 22-бандида агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим деб кўрсатилган.



Суд терговидида аниқланган ҳолатларга кўра, Ражабова Энажан Рашид гизи 2020 йил декабрь ойида таниши Д.Баратовга “ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиали”дан аёллар дафтарида турган шахсларга 4 фоиз устама тўлаш шарти билан 500.000.000 сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилаётганлигига қизиқтириб, унга “Феруза” исмли ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиали бошқарувчининг қизи билан яхши танишлигини, унинг қизи орқали ТИФ Миллий банк Жиззах вилояти филиалидан ўзининг номига ушбу кредит маблағларини чиқара олишини, чиқарилган 500 млн сўм кредит маблағларини эса Д.Баратов ишлатишини, бунинг учун банк бошқарувчининг қизи “Феруза” орқали ҳужжатларни тўғирлаш ҳаражатларига 25.000.000 сўм миқдоридидаги пулларни бериш кераклигини айтиб, аслида “Феруза” исмли банк бошқарувчисининг қизи мавжуд эмаслиги ва унга пул бериш нияти ҳам бўлмасдан ҳақиқатни яшириш ва ёлғон маълумотларни хабар қилиш йўли билан Д.Баратовни 8.500.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд мажлисида судланувчи Э.Ражабова синфдоши Достон Баратов билан учрашиб қолган вақтида, унга аёллар дафтарида турган шахсларга кам фоизлик кредит берилаётганлиги ҳақида айтганида қизиқиб қолганлиги, Д.Баратовга ўзининг номига 50 млн сўм кредит олиш мумкинлиги, пулларни эса Д.Баратовга беришини, ҳужжатлар тўғирлаш учун ҳаражатлари борлигини айтиб, бу учун 5.000.000 сўм беришини сўраганлиги, Д.Баратов икки бўлиб унга 5.000.000 сўм пул берганлиги, Д.Баратов билан уришиб қолгандан сўнг унга пулларини бермаганлиги, Д.Баратовга Ф.Нихбанданини кўрсатиб, ТИФ “Миллик банк” раисининг қизи эканлиги, шу орқали 500 млн сўм кредит олиши мумкинлиги, банк бошқарувчисининг қизига 25 млн сўм бериб, 500.000.0.000 сўм кредит олиш мумкинлигини айтиб, ундан банк бошқарувчиси қизига деб, 8.500.000 сўм олмаганлиги, пора беришга далолатчилик қилмаганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида Д.Баратов Э.Ражабова 25 млн сўм пулларни ТИФ “Миллий банк” бошқарувчиси қизи Феруза орқали банк раисига пора сифатида берилишини айтмаганлиги, балки ушбу пулга “Феруза” унинг ҳужжатларини тўғирлаб, банкдан кредит олувчи аёллар дафтарида турган 10 нафар аёллар сафига Э.Ражабовани ҳам қўшиб қўйишини, шунда унинг номига ҳам кам фоизли кредит чиқишини, ушбу кредитни эса у олиб ишлатишини



ваъда қилиб алдаганлиги, агарда пора сифатида берилишини айтганида, у Э.Ражабовага пул бермаганлиги бўлишини кўрсатди.

Тергов вақтида Д.Баратов ариза ва тушунтириш хатида Э.Ражабова “Миллий банк”да Феруза исмли таниши борлиги, шу шахс орқали биргаликда ўзининг номига 500 млн кредит чиқаришликни, 100 млн сўми Э.Ражабова ўзи олиб қолиши, қолган 400 млн кредит маблағларини эса унга беришини, Феруза ҳужжатларни тўғирлаб беришини айтиб, ундан пул олганлигини кўрсатган бўлсада, бироқ пулларни банк раисига қизи орқали бериш кераклигини кўрсатмаган.

Юзлаштириш жараёнида Э.Ражабова Д.Баратовдан 50 млн сўм кредит чиқариб бериш эвазига 5 млн сўм олганлигини кўрсатган, бироқ пулларни пора сифатида бериш учун олмаганлигини кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Бош прокурори, МХХ раиси ва Ички ишлари Вазирининг 2014 йил 23 июндаги “Порахўрлик ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги ишларни тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича” Қўшма кўрсатмада бу борадаги аризалар ҳар бир ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22,95-моддаларига асосан синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши кераклиги, аризачининг кўрсатмаларидан ташқари бошқа объектив далиллар аниқланмаганида жиноят иши қўзғатилишига, шахс қамоққа олинишига, жинойий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги, ҳар қандай ҳолатда айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги ҳақидаги ЖПКнинг 23-моддаси талабларига оғишмай риоя этиш лозимлиги, аризачининг кўрсатмаси, шахснинг айбига иқрорлик кўрсатмалари билан тасдиқланган ҳолатлар ҳам бошқа объектив далиллар аниқланмаган тақдирда айблаш учун етарли асос бўла олмаслиги инобатга олиниши кераклиги, шахсга айб эълон қилишга фақат объектив далиллар мажмуигина асос бўлиши мумкин, бунда, далиллар доирасини пора берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсатмалари ҳамда айбига иқрорлик кўрсатмалар билан чегаралаб қўймасдан, шахсни айблаш учун пора предметининг олиниши, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали



амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан асослантириш шартлиги кўрсатилган.

Тергов органининг Э.Ражабовага банк бошқарувчига қизи орқали пора бериб кредит чиқариш ҳақидаги хулосаси фақагина Д.Баратовнинг жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган кўрсатувларидан бошқа далиллар билан, хусусан аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар билан ўз исботини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Юқоридагиларга асосланиб, суд судланувчи Э.Ражабованинг ҳаракатларида пора беришга далолатчилик қилиш жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли, уни ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан реабилитация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Э.Ражабованинг жабрланувчи И.Мелибоевадан 3 млн сўм эмас, балки 1 млн сўм олганлиги, С.Қўшбутаевдан 1.250.000 сўм олмаганлиги, Д.Баратовдан 5 млн сўм олганлиги, телефонни совға сифатида олганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, танқидий баҳолайди, ушбу важлар жавобгарликдан қутулиб қолишга уруниш деб баҳолайди.

Келтирилган важлар жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувлари, тўпланган далиллар билан тўлиқ рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3, 5, бандларида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, юқорида келтирилган Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, судланувчи Э.Ражабовага жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда қилмишининг сабабларини, жиноятни қасдан ғараз ниятларда содир этганлигини айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб, шу билан қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ тўпланганлиги ҳамда уларнинг даъвоси йўқлигини жазони



енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, судланувчи Э.Ражабовага нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖК 62-моддасига асосан қамокда сақланган вақтида тайинланадиган жазодан чегиришни мақсадга мувофиқ деб топади.

Шу билан бирга далилий ашё 1 дона дискни иш ҳужжатларида сақлашлик учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Ражабова Энажан Рашид гизи (Rajabova Enajan) ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилган асосларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган пора беришга далолатчилик қилиш жиноятини содир этганликда айбсиз деб топилсин ва ушбу суд муҳокамаси ўтказилган пора беришга далолатчилик қилиш эпизоди бўйича унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан реабилитация қилинсин.

Ражабова Энажан Рашид гизи (Rajabova Enajan) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу моддага асосан унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20%ни давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **3** (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2021 йил 18 ноябрь кунидан 2022 йил 23 май кунига қадар қамокда бўлган вақтини чегириб ташлаган ҳолда **Ражабова Энажан Рашид гизи** (Rajabova Enajan)га узил-кесил ҳар ойлик иш ҳақининг 20%ни давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда **1** (бир) йил **5** (беш) ой **12** (ўн икки) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Жиззах шаҳар ИИБ пробация гуруҳига юклатилсин.



Судланувчи Э.Ражабовага қўлланилган қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин, унга ҳукм қонуний кучга киргунга қадар муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг далилий ашё 1 дона диск иш ҳужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинганидан бошлаб

20 сутка муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукм топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида Жиззах вилоят судига шу суд орқали апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргач, апелляция тартибида кўрилган тақдирда, кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик этувчи: (имзо)

Э.Қаршиев

Ҳукм нусҳаси аслига тўғри-судья:

Маъсул судья: Қаршиев Эргаш Мустапакулович

